



## SOCIAL POLICY IS AIMED AT PROVIDING TARGETED ASSISTANCE TO WOMEN IN UZBEKISTAN

**Manzurakhon Mirzazhanovna Baltabaeva**

*Doctor of Philosophy in History (PhD)*

*Associate professor, National University of Uzbekistan*

*named after Mirzo Ulugbek, Faculty of History*

[baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** social policy, Sustainable Development Goals, national goals of Uzbekistan, poverty, “Iron Notebook,” “Women's Notebook,” “Youth Notebook”

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

**Abstract:** The article examines issues related to poverty reduction in state social policy in the new era of reforms in Uzbekistan, based on three strategic development programs, in particular, targeted work with the most vulnerable segments of the population in need of social protection: the poor, people who have lost their breadwinners, single women, women with disabilities, and unemployed youth. The results of a completely new system of financial assistance and support for families in need are presented: the “Iron Notebook,” “Women's Notebook,” and “Youth Notebook.” The topic is covered using international documents on social issues related to the empowerment of all women, including the UN Sustainable Development Goals and Uzbekistan's national sustainable development goals for 2030, as well as legislative documents of the Republic of Uzbekistan, archival collections and current archives of non-governmental organizations that protect women's interests, and the analysis was conducted on this basis.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

**Манзурахон Мирзажановна Балтабаева**

*Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий*

университети, Тарих факультети  
[baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)  
 Тошкент, Ўзбекистон

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижтимоий сиёсат, Барқарор ривожланиш мақсадлари, Ўзбекистоннинг миллий мақсадлари, камбағаллик, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”.

**Аннотация:** Мақолада ислохотларнинг янги даврида Ўзбекистондаги урта стратегик тараққиёт дастурига асосан давлат ижтимоий сиёсатида камбағалликни қисқартириш, хусусан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – ночор, боқувчисини йўқотган, ёлғиз, ногирон аёллар, ишсиз ёшлар билан манзилли ишлашга оид масалалар ёритилган. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам беришнинг мутлақо янги тизими — “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”нинг натижалари кўрсатиб берилган. Мавзуни ёритишда БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида ва Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларида барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги ижтимоий масалаларга оид халқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, архив фондлари ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотларнинг жорий архивларидаги маълумотлардан фойдаланилган ва шу асосда таҳлил қилинган.

## СОЦИАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА, НАПРАВЛЕННАЯ НА ОКАЗАНИЕ АДРЕСНОЙ ПОМОЩИ ЖЕНЩИНАМ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Манзурахон Мирзажановна Балтабаева**  
 Доктор философии по истории (PhD), доцент  
 Национальный университет Узбекистана имени  
 Мирзо Улугбека, исторический факультета  
[baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)  
 Ташкент, Узбекистан

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** социальная политика, Цели устойчивого развития, национальные цели Узбекистана, бедность, «Железная тетрадь», «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь».

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы, связанные с сокращением бедности в государственной социальной политике в новую эпоху реформ в Узбекистане, на основе трех стратегических программ развития, в частности,

целенаправленной работы с наиболее уязвимыми слоями населения, нуждающимися в социальной защите: бедными, лицами, потерявшими кормильцев, одинокими женщинами, женщинами-инвалидами и безработной молодежью. Представлены результаты совершенно новой системы финансовой помощи и поддержки нуждающихся семей — «Железная тетрадь», «Женская тетрадь» и «Молодежная тетрадь». В освещении темы используются международные документы по социальным вопросам, связанным с расширением прав и возможностей всех женщин, включая Цели устойчивого развития ООН и национальные цели Узбекистана в области устойчивого развития до 2030 года, также законодательные документы Республики Узбекистан, архивных фондов и текущих архивов неправительственных организаций, защищающих интересы женщин, и анализ проводился на этой основе.

---

Ислохотларнинг янги даврида Ўзбекистондаги учта стратегик тараққиёт дастурига асосан ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда[1]. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш масалалари устувор вазифалар этиб белигиланди. Бу даврда Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий қатламида камбағал тоифадаги инсонлар бор эканлиги тан олинди ва ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб, камбағал аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида республиканинг ҳудудларида “Ишга марҳамат” мономарказлари фаолияти йўлга қўйилди, ишлаётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – ночор, боқувчисини йўқотган, ёлғиз, ногирон аёллар, ишсиз ёшлар билан манзилли ишлаш мутлақо янгича тизимда амалга оширила бошлади. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам беришнинг мутлақо янги тизими — “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ўзининг натижаларини кўрсатди.

Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий стандартлари аниқланиб, унга асосан камбағалликнинг 3 тоифаси, яъни доимий камбағаллар, камбағалликдан чиқиб кетиш

имкониятига эга ва камбағалликка юз тутиш хавфи бўлган тоифалар борлиги тан олинли[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сон Фармони билан республикада Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди[3]. 2020 йилда “Темир дафтар”, 2021 йилда “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” йўлга қўйилди.

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари тўлиқ бепул амалга оширилади, ўқув курсларини якунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Бундан ташқари, ўқув курсларини якунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб берилмоқда. Қолаверса, республикамизнинг барча вилоятларида фаолият олиб бораётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотлари ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув курси қийматининг қолган 30 фоиз қисмини уч томонлама шартномага мувофиқ олдиндан тўлаш орқали қоплаб берилмоқда.

Бу борадаги тизимли ишлар натижасида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий мактаб билан биргаликдаги ҳар бир маҳалла кесимида ишсиз деб эътироф этилган ва ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилди. Шу муносабат билан вилоятларда ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказлари, Олий мактабнинг ҳудудий филиаллари, Савдо-саноат палатасида шакллантирилган рўйхатларга киритилган хотин-қизларнинг касб-ҳунарга (“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси электрон ахборот тизимида мавжуд бўш иш ўринларидан келиб чиққан ҳолда) ва тадбиркорликка ўқитилиши таъминланмоқда. Албатта бу вазифаларни амалга оширишда “Онлайн маҳалла”, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Mehnat.uz” платформаларидаги мавжуд бўш иш ўринларини аниқлаш, маҳаллалар кесимида хотин-қизларни бандлиги таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятларига ҳар томонлама молиявий кўмак бериш вазифалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил янги таҳрирдаги Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деган меёр белгилаб қўйилди[4. Б.5.].

Ижтимоий давлат– сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат моделидир.

Ижтимоий давлат тамойили ночор, камбағал қатламга ғамхўрлик қилиш орқали жамиятнинг барча аъзолари учун тўлақонли фаровон ҳаётни таъминлашни назарда тутди. Ушбу соҳадаги сайи-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда камбағаллик даражасида пасайиш кузатилган. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Статистика агентлиги томонидан ўтказилган 16 мингта уй хўжаликлари кузатувларига кўра, мамлакат камбағаллик даражаси 2023-йил якунида 11,0 фоизгача пасайди[5].

2022-йил натижаларида камбағаллик даражаси 14 фоизни ташкил этган, 2023 йил натижалари 2022 йилга нисбатан камбағаллик 3 фоизга қисқарганлигини кўрсатмоқда. Жараён Жаҳон банки экспертлари томонидан текширилганда камбағалликнинг пасайиши барча вилоятларда қайд этилган. Унга кўра, Сирдарё вилоятида – 19,5 фоиздан 13,8 фоизгача, Андижон вилоятида – 17,4 фоиздан 11,9 фоизгача, Қорақалпоғистон Республикасида – 19,9 фоиздан 13,7 фоизгача сезиларли даражада қисқарган. Минимал ўзгаришлар Тошкент шаҳри – 8,5 фоиздан 7,9 фоизгача ва Бухоро вилоятида – 11,9 фоиздан 11,8 фоизгача, Қашқадарё вилоятида – 12,7 фоиздан 11,5 фоизгача пасайгани аниқланган[6. Б.243].

2023-йилда Республикадаги жами 4,1 млн. аҳоли, шундан 2,3 млн. нафари доимий ва мавсумий иш ўринларида, 112,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида, 1,6 млн. аҳоли ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бандлигини таъминлашга эришилди. Ҳоким ёрдамчилари кўмагида 241,3 минг нафар фуқароларга ижара асосида ер майдонлари ажратилди. “20 минг тадбиркор 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида 6745 та тадбиркорлик субъектлари билан 455,0 минг нафар аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Шунингдек, 472 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига 10 трлн. сўм имтиёзли кредитлар ва 73 минг нафар ишсиз 356 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилди. Маҳаллабай ишлаш асосида 51 мингта микролойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 206 мингта янги иш ўринлари яратилди. 181 минг нафар ишсизлар фуқаролар касб-хунарга ўқитилди ва 183,8 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Инфлясия даражасидан келиб чиқиб, 2023

йилда ҳисобланган МИХ(минимал истеъмол ҳаражатлари) 568 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда ушбу ҳаражатлар қиймати 621 минг сўмни ташкил этди[7. Б.206].

Ислохотларнинг янги даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги эришилган натижаларда аҳоли сони, кўрсатилган ёрдамлар миқдори ва қўлами ўтган 7 йиллик давр билан қиёсланса, ўртадаги фарқ кўзга ташланади. Сабаби Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, республика аҳолиси 2017-йилнинг 1-январь ҳолатига 32,1 млн. кишидан иборат бўлган бўлса, 2024-йилнинг 1-январь ҳолатига қарийб 36,8 млн кишини ташкил этган. Ўтган даврда аҳоли 4,7 млн. кишига кўпайган.

2016 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ННТлар томонидан уй жой билан таъминлаш масаласи “Аёллар ва оилаларни ижтимоий қўллаб- қувватлаш марказлари” вазифасига киритилмаган бўлса-да, ёрдамга муҳтож аёллар ва уларнинг оила аъзоларининг 168 нафари вақтинчалик бошпана билан таъминланди[8].

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ННТлар томонидан иқтисодий масалада жами 916 нафар аёлга ёрдам кўрсатилди, жумладан, 197 нафарига моддий ёрдам, 258 нафар аёлга касб-ҳунар ўргатиш масаласида, 128 нафарга иш билан таъминлаш ва бандлик, 168 нафарига вақтинчалик бошпана билан таъминлаш масаласида ёрдам берилди[9].

2016 йил 20 февралда Ўзбекистон Хотин қизлар қўмитаси ва “Интилиш” ННТ ўртасида ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорлик Меморандиуми имзоланди. Ҳамкорлик доирасида 134 та озодликка чиққан инсонлар(шундан 99 нафар эркаклар ва 35 нафар аёллар)га 78 маротаба таълим дастурлари ўтказилди, психолог ва ҳуқуқшунослар томонидан 113 маротаба индивидуал маслаҳат машғулоти ташкиллаштирилди, 26 нафари(18 эркак, 8 аёл) касб-ҳунарга ўргатилиб, ҳозирги кунда 9 нафари ишга жойлаштирилиб, ҳаёти бир маромга тушиб, ўз оиласининг иқтисодига ҳисса қўшмоқдалар[10. Б.207].

Қорақалпоғистон Республикаси “Кеўл нури” марказига мурожаат қилган 140 нафар аёлларнинг 133 нафарига(93 фоиз), Андижон вилояти “Меҳр нури” марказига мурожаат қилган 2191 нафар аёлларнинг ҳаммасига(100 фоиз), Жиззах вилоятидаги “Қалб нури” марказига мурожаат қилган 389 нафар аёлларнинг 259 нафарига (66 фоиз), Қашқадарё вилояти “Қалб нури” марказига мурожаат қилган 27 нафар аёлларнинг ҳаммасига(100 фоиз), Наманган вилоятидаги “Қалб меҳри” марказига мурожаат қилган 1414 нафар аёлларнинг 1352 нафарига(95 фоиз), Сурхондарё вилоятининг “Аёлларни саломатлик ва гўзаллик” марказига мурожаат қилган 1783 нафар аёлларнинг 1582 нафарига(88 фоиз),

Фарғона вилояти “Қалб нури” марказига мурожаат қилган 103 нафар аёлларнинг 90 нафарига(87 фоиз), Хоразм вилояти “Меҳр булоғи” марказига мурожаат қилган 53 нафар аёлнинг 48 нафарига(90 фоиз) ва Бухоро вилояти “Ойдин нур” ижтимоий-марказига мурожаат қилган 574 нафар аёлларнинг 547 нафарига ёрдамлар кўрсатилган[11.Б.208]. Таҳлиллардан кўриниб турибди-ки, Андижон ва Наманган вилояти ҳудудий жиҳатдан аҳоли зич жойлашган, оилавий муносабатлардаги муаммовий вазиятлар ва ёш оилаларда ажримлар сони бошқа ҳудудларга нисбатан энг кўп ҳудудлар ҳисобланади.

2024 йилнинг 13-14-май кунлари Самарқанд шаҳридаги “Силк Роад Самарқанд” халқаро сайёҳлик мажмуасида “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусида Осиё хотин-қизлари форуми бўлди[12. Б.88]. Инсон ҳуқуқлари бўйича Малайзия комиссияси комиссари Нур Азия Моҳд, Форум хотин-қизлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бу борадаги тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилиш учун Осиё минтақасида ўзига хос мулоқот майдонини яратади, деб фикр билдирган. Анжуманда Нур Азия Моҳд хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича Малайзия тажрибаси билан ўртоқлашди. Малайзия кўп динли ва кўп маданиятли жамият бўлиб, уларнинг 60 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Форум иштирокчи давлат аёлларига бир-бири билан тажриба алмашиш имконини беради. Шу нуқтайи назардан, Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларида аёлларга нисбатан оиладаги зўравонлик учун жазони кучайтирувчи қўшимчалар киритилгани алоҳида эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман. Форум хотин-қизлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бу борадаги тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилиш учун Осиё минтақасида ўзига хос мулоқот майдонини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси/; 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси/; Ўзбекистон – 2030” стратегияси/
2. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. №1.2020 йил январь-февраль//<https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Mustafakulov.pdf>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини

тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони//  
<https://lex.uz/docs/4776669>.

4. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent, 2023. – B.5.
5. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фоизга қисқарди//  
<https://gov.uz/oz/bv/news/view/5337>. 13.03.2024.
6. Ўзбекистон Хотин қизлар қўмитасининг 2016 йил жорий архив маълумотлари. - Б.243.
7. ЎзМА, М -170, Рўйхат -1, 2 жилд. - 2016. - Б.206.
8. Osiyo xotin-qizlar forumida muhokama etiladigan masalalar // <https://wcu.uz/oz/lists/view/674>